

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 140 (1466), 2025 йил 10 июль, пайшанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



ЙЎЛЛАРДА ИНФРАТУЗИЛМАНИНГ ЯХШИЛАНИШИ ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ТИРБАНДЛИКНИ КАМАЙТИРИШ ОМИЛИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 9 июль куни йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, инфратузилмасини яхшилаш ва тирбандликларни камайтириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Худудларда бу борада муайян ишлар қилинмоқда. Сўнгги йилларда йўл қурилиши ва таъмирлашга 61 триллион сўм ажратилган. Бу — 2017 йилгача берилган маблағлардан 3,5 баробар кўп.

Онлайн муҳожаат тизими ишга тушиб, йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаларига келувчилар сони 50 фоизга камайди. Соҳадаги 3 минг 365 нафар ходим электрон планшет ва бодикамера билан таъминланди. Қондабузарликларни сўний интеллект асосида саралаш ва қарор чиқариш амалиёти жорий қилинди. Шаҳарларда жамоат транспорти учун махсус йўлақлар ажратилди.

Утган ойда ҳам ҳайдовчиларга қатор енгилликлар жорий этилди. Жумладан, биринчи марта ҳуқуқбузарлик қилганларни жазолаш эмас, огоҳлантириш йўлга қўйилди. Йўл чиқиқларини босиш ҳолатларини камера орқали фиксация қилиш бекор қилинди. Жамоат транспорти учун мўлжалланган қаторларда кечқурун бошқа ҳайдовчилар ҳам юришига рухсат берилди. Шаҳарларда йўллари кундузи таъмирлаш таққиланди. Радар бор жойда йўл белгисини ўрнатиш мажбурий бўлди.

Лекин соҳада ҳали долзарб масалалар кўп. Биринчи навбатда йўл-транспорт ҳодисалари. Утган йили 9 минг 364 та шундай ҳодиса содир бўлган. Уларда қарийб 9 минг фуқаро жароҳат олган. Энг ачинарлиси, 2 минг 203 нафар одам ҳалок бўлган.

— Ҳар тўртинчи аварияда бир киши ёки кунига ўртача олти киши вафот этаётгани барчани қаттиқ ташвишга солиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ҳаракат хавфсизлиги, энг аввало, йўлларнинг ҳолати ва қулайлигига боғлиқ. Қўплаг туманларда йўл инфратузилмаси яхшиланиб, автоҳалокатлар эҳтимоли камайтилган. Лекин 20 та худудда йўл-транспорт ҳодисалари сони юқорилигича қолмоқда. Умуман, юртимизда бундай ҳодисалар оқибатидаги зарар ялли ички махсуслотга нисбатан ўртача 0,4 фоизни ташкил қилапти.

Шу боис, йиғилишда “Хавфсиз йўл” миллий дастури бошланиши маълум қилинди. Бунинг учун “Хавфсиз йўл ва

хавфсиз пиёда” республика жамғармаси фаолияти қайта ташкил қилиниб, ҳукумат бўйсунувиға ўтказилди. Бу йил унга барча манбалар ҳисобидан 400 миллиард сўм тушиши ҳисоб-китоб қилинган. Шунингдек, ҳар бир вилоятда жамғарманинг алоҳида ҳисоб рақами бўлади. Ички ишлар тизимидagi йўл белгилари ва светофор ўрнатиш, йўл чиқиқлари чишишга масъул қороналар ҳам вилоят тасарруфиға ўтказилди.

Жамғарманинг фаолияти шаффоф бўлади, унинг таркибига вилоят ЙХХБ ва йўл бошқармаси бошлиқлари, жамоатчилик вакиллари қиради. Жамғарма маблағлари, биринчи навбатда, авария ўчоқлари бўлган хавфли жойларни тартибга солишга йўналтирилади. Бу ишлар ҳозирда ҳафли бўлиб қолаётган 175 километр узунлиқдаги 23 та магистрал йўл участкасидан бошланади.

Барча туманларда йўл инфратузилмасини ривожлантириш бўйича алоҳида жамғармалар ҳам ташкил қилинган. Энди йўлларнинг ҳолати бўйича аҳоли фикрини ўрганадиган электрон портал ишга туширилади. Одамлар у орқали қаерга белги, пиёда йўлаги ва светофор кераклиги ҳақида овоз бериши мумкин бўлади. Якунда порталга тақтифлар бўйича амалга оширилган ишларнинг видео ва фотолари ҳам қўйилади, бун аҳоли баҳолайди. Янги имкониятлардан фойдаланиб, йўлларда ҳаракатни яхшилаб, оғир ҳалокатларни кескин камайитириш вазифаси белгиланди.

Яна бир муаммо — ҳозирда автомобил йўлларида 1 минг 200 дан ортиқ бурилиб олиш жойи бўлса, шундан факатгина 146 тасида ер ости ва ер устидан бурилиш мумкин. 10 мингдан зиёд пиёда ўтиш жойларининг атиги 154 тасида шундай қулайлик бор.

Шу боис, Транспорт вазирлигига Жаҳон банки иштирокида Тошкент — Самарқанд — Термиз, Тошкент — водий ҳамда Самарқанд — Бухоро йўналишишда халқаро йўлларнинг хавфсизлик талабларига мослигини диагностика қилиш топширилди. Ушбу таҳлиллар асосида йўлларда бурилиб олиш ҳамда пиёдалар

ўтишини хавфсиз қилиш, белгилар ва чиқиқларни қулайлаштириш лойиҳалари ишлаб чиқилади.

Юртимизда шаҳарлараро жамоат транспорти тизими йўлга қўйилмаган. Автобуслар жадал вақти бўйича эмас, балки 40-50 та йўловчи тўлганда юришга ўрганган. Шу боис, йиғилишда ўрта ва узоқ масофага қатнайдиган жамоат транспортини ривожлантириш чоралари белгиланди. Бунда Тошкент шаҳри ва вилоятлараро қатнов бўйича алоҳида ёндашув қўлланади.

Биринчидан, пойтахт жамоат транспорти ягона агломерация тизимига ўтиб, Тошкент вилоятининг барча туташ худудларини қамраб олади. Бунинг учун ҳозирда пойтахт чеккасиғача келаётган 20 та автобус йўналиши 15-20 километр га узайтирилади, яна янги 6 та маршрут қўйилади. Сентябрьга пойтахтга 200 та, кейинги йили яна мингта автобус олиб келинади. Натижада Тошкент шаҳрига 25 мингта енгил машина қатнови камайиши кутилмоқда.

Иккинчидан, шаҳарлар ва вилоятлараро жамоат транспорти қатновлари яхшиланади. Бу йўналишдаги автобус ва микроавтобуслар учун йўловчи бошига субсидия берилади. Автобуслар учун утилизация йиғимидан имтиёз яна уч йилга узайтирилади ва бу микроавтобусларга ҳам таъбиқ этилади. Туристик автобус ва микроавтобуслар учун божхона божидан имтиёз уч йил давомиди жамоат транспорти учун ҳам қўлланади.

Маълумки, тирбандлиқнинг сабабларидан бири — автомобиль тўхташ жойларининг етмашмаслиги. Оқибатда Тошкентда ҳам, бошқа йирик шаҳарларда ҳам ҳайдовчилар машинасини йўл бўйича қўйишга мажбур. Айрим вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар биноси жойлашган кўчалар ёпиб қўйилган.

Мутасаддиларга бундай ҳолатларга чек қўйиб, барча ташкилот ва маҳалла кўчаларидаги асоссиз қўйилган тақиқловчи белгиларни олиб ташлашга кўрсатма берилди.

Транспорт вазирлигига ҳайдовчилар билан мулоқот қилиш, уларнинг

муаммоларини ўрганиш бўйича электрон платформа яратиш вазифаси қўйилди.

Йўлларда ҳайдовчилик маданиятини ошириш ҳам жуда долзарб масала. Утган йили қарийб 20 миллионга кўпол қондабузарлик содир этилган. Айрим ҳайдовчиларда бу сурункали тус олган.

Энди бундай ашаддий ҳуқуқбузарларга қонун кучини кўрсатиш мақсадида “Сурункали қондабузарлар” дастури ишга туширилади. Қарама-қарши томонга ҳаракатланиш, қизил чироқда ўтиш ёки тезлики ошириш каби қондабузарликларни такроран қилганлар учун бир йилгача жаримадан чегирма берилмайди. Бундай ҳуқуқбузарликлар бир ой ичиди 10 тадан кўп бўлса, олти ойгача ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум қилинади. Меъёрдан 2-3 қарра тез юрганлар ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилишгача жазоланиши мумкин.

Айрим ҳолларда қондабузарлик учун орадан бир неча ой ўтгач, жарима қўллаш қарори чиқарилаётгани тушунмовчилик ва эътирозларга сабаб бўлмоқда. Эндиликда қондабузарлик содир этилган кундан бошлаб бир ойда қарор чиқмаса, ҳайдовчи ҳеч қандай жарима тўламаслиги белгиланади.

Ҳозирги кунда хавфсизлиги зўр, замонавий машиналар кун сайин кўпайиб бормоқда. Худудлар ўртасидаги кўп йўллар юқори тезлиқда ҳаракатланиш талабларига бемалол жавоб беради. Шу боис, тезлик чекловларини қайта қўриб чиқиш кераклиги таъкидланди.

Ҳайдовчиларни тайёрлаш бўйича янги тизим самара бера бошлади. Лекин пиёдалар, айниқса, ёшларнинг бу борадаги билим ва интизомини ошириш зарур. Шу мақсадда мактаб ва боғчаларда ҳаракат хавфсизлиги бўйича дастурлари янгиланади. “Яшил чирок” мусобақалари қайта тикланиб, республика ғолибларига Президент совғаси берилади. Йўл ҳаракати қондалари бўйича видео ва анимацион контентлар яратилади.

Йиғилишда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича мутасаддиларнинг ахбороти ешитилди.

ЎЗА

“ЕЧИМЛАР АТЛАСИ” — ПОЙТАХТНИНГ ЯГОНА МЕЪМОРИЙ ҚИЁФАСИ

Давлатимиз раҳбари Тошкент ва Янги Тошкент шаҳри учун “Ечимлар атласи” тақдимоти билан танишди.

Мамлакатимизнинг иқтисодий ривожий пойтахтимиз қиёфасида яққол намоён. Барча туманлар ва шаҳар атрофида бунёдкорлик суърати жадал. Сўнгги йилларда Янги Тошкент қурилиши ҳам бошланиб, бир бутун мегаполисга айланмоқда.

Худудни мувозанатли ривожлантириш мақсадида Тошкент шаҳрининг 2045 йилгача бўлган даврга мўлжалланган бош режаси қабул қилинди. Унда шаҳарнинг қурилиш режалари, муҳандислик ва йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳофаза худудлари бўйича асосий кўрсаткичлар белгиланган.

“Ечимлар атласи” ушбу бош режанинг мантйқий давоми бўлиб, унда шаҳарнинг ташқи қиёфаси, кўчалар муҳити бўйича умумий талаблар қайд этилган. Бу каталог-маълумотнома қурилмаларни лойиҳалаштириш, ўрнатиш ва улардан фойдаланиш қондаларини қамраб олган бешта китобдан иборат. Ҳар бир қисмда жамоат жойларини ташкиллаштириш ва ободонлаштириш, биноларнинг ташқи қисминини ягона меъморий қиёфага келтириш бўйича тавсиялар берилган.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН — ОЗАРБАЙЖОН: АЗАЛИЙ ДЎСТЛИК ВА СТРАТЕГИК ИТТИФОҚЧИЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Озарбайжон, ўз навбатида, Озарбайжон ташқи сиёсатида Ўзбекистон билан муносабатлар катта аҳамиятга эга. Давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихи узоқ даврларга бориб тақалади. Халқларимизни ўхшаш миллий анъаналар, тил, маданият ва дин бирлаштиради.

Бугунги кунда Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатлари стратегик иттифоқчиликнинг юқори даражасига етди. Бу муносабатлар тарихий алоқалар билан янада мустаҳкамланмоқда. Икки мамлакат раҳбарларининг узоқни кўзлаган сиёсати, ўзаро таширфлар ва мунтазам алоқалар натижасида муносабатларимиз амалда барча соҳаларда ўсиб бормоқда. Шубҳасиз, икки томонлама алоқалар ривожидида давлат раҳбарларининг таширфлари алоҳида аҳамият касб этади. Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Озарбайжон раҳбарларининг қатор ўзаро таширфлари амалга оширилди. Олий даражадаги учрашувлар, имзоланган ҳужжатлар ва яратилган институционал механизмлар стратегик ҳамкорлиқнинг асосий устунларига айланди.

Бу борада Президентимизнинг шу йил 2-4 июль кунлари Озарбайжонга давлат таширфи алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Таширф давомида Ўзбекистон ва Озарбайжон етакчилари олий давлатлараро кенгашининг иккинчи йиғилиши қарори, шунингдек, турли соҳаларни қамраб олган муҳим ҳужжатларни имзолади. Ҳам икки томонлама учрашув доираси-

да, ҳам давлатлараро кенгаш йиғилишида ҳамкорлиқнинг кенг доирадаги масалалари муҳокама қилинди, алоқаларимизнинг стратегик иттифоқчилик характери яна бир бор тасдиқланди.

Утган йили Тошкентда ўзаро иттифоқчилик фаолияти тўғрисидаги битим имзоланганди, бу ҳар қандай давлатлар муносабатларидаги энг юқори ва муҳим ҳужжатдир. Давлатларимиз бир йилдан буён расман иттифоқчи ва бу халқаро майдондаги фаол ҳамкорлик, ўзаро қўллаб-қувватлаш, шунингдек, қўллаб соҳалардаги режа ва лойиҳалар билан намоийш этиб келинмоқда.

Дипломатик майдонда ҳозиргача ҳуқуқий база-ни мустаҳкамловчи 190 дан ортиқ икки томонлама ҳужжат имзоланган. Улар орасида 2022 йилда имзоланган стратегик шериклики чуқурлаштиришга доир ҳужжат алоҳида ақрлий туради. Энг муҳим воқеалардан бири 2024 йилда Озарбайжон билан иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши бўлди. Ҳужжат Ўзбекистон парламенти томонидан 30 апрелда ратификация қилинди.

Давоми 3-бетда

ЖОЙЛАРДА “ИСЛОҲОТЛАР ШТАБИ”

ХУДУДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ ИЛҒОР МЕХАНИЗМИ СИФАТИДА МАЙДОНГА ЧИҚАПТИ

Ҳар қандай давлатнинг замонавий босқичдаги жадал ва муваффақиятли тараққиёти янгиғча ёндашувлар, айниқса, ҳудудий ривожланишни самарали бошқаришни тақозо этади. Зеро, айнан худудлар бугун изчил ўсишни таъминлаш, тармокларни диверсификация қилиш йўлида энг муҳим захирага айланмоқда.



Улар ижтимоий-иқтисодий ному-таносибликларни бартараф этишда ҳал қилувчи роль ўйнаб, барқарор иқтисодий тузилмани шакллантиради. Хусусан,

вилоятлардаги кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш янги иш ўринлари яратиш, ишсизлик ва камбағалликни камайитириш имконини беради. Яна бир

муҳим натижа — инфратузилма ва ижтимоий хизматлар ривожий орқали аҳоли турмуш даражаси кўтарилди. Бу эса ички талаб ортишига хизмат қилади.

Шу билан бирга, давлат томонидан белгиланган стратегик вазифаларни изчил амалга ошириш учун доимий равишда янги ўсиш нуқталарини аниқлаш ва уларни рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эга. Айни шу мақсадда ташкил этилган “Ислохотлар штаби” ҳудудий ривожланишнинг янги механизми сифатида майдонга чиқипти. Аҳамиятлиси, улар жойлардаги вазият, ҳақиқий ҳолатни чуқур таҳлил қияпти, мавжуд муаммоларни мутасаддиларга тезкор етказиш билан бирга уларни жойида ҳал этишга қаратилган тақтифлар ишлаб чиқмоқда.

Давоми 2-бетда



ЯРИМ ЙИЛИҚДА ЯИМ ҲАЖМИ 6,7-6,8 ФОИЗГА ЎСИШИ КУТИЛМОҚДА

2



ИСТЕЪМОЛГА ЯРАША ТЎЛОВ ИСРОФ ҚИЛМАСАК – НОЛИМАЙМИЗ, НОЛИСАК – ИСРОФ ҚИЛГАН БЎЛАМИЗ

Охирги вақтларда электр энергияси ва газ истеъмолида анча тежамкор бўлиб қолгандекмиз. Улардан ортиқча фойдаланишдан олдин даровр махсус мобил иловага қўз ташлаб, нархлар тарифлари бўйича белгиланган ижтимоий норма чегарасига бир қараб оламиз. Бир ойда ҳеч бўлмаса 200 киловаттдан оштиб кетмасин деймиз. Акс ҳолда, тўлов кўпроқ бўлиши мумкин.



Утган йил май ойида юртимизда илк бор электр энергияси ва табиий газ учун жорий этилган ижтимоий норма одамларни тежамкорликка ўргатиши ҳақида гапирилганди. Гарчи масала жиддий тус олиб, нарх-наво кўтарилгани ва ижтимоий норма амалиётга киритилиши қўллаб эътирозларни юзага келтирган бўлса-да, бугунги кунга келиб, ушбу ёндашув ҳақиқатан аҳолини тежамкорликка ўргатаётгани кўзга ташланади. Энди электр энергиясидан ҳар қанча фойдалансак ҳам бир хил тўлов қилмаймиз, сарф ортгани сарин нарх ошиб боради. Оддийроқ айтганда, кўпроқ фойдаланган кўпроқ тўлайди, камроқ фойдаланган аксинча.

Жаҳон тажрибасида шундай бўлиб келган — ҳар ким истеъмолга яраша тўлайди. Исроф қилган бунинг бадалини чўнтагидан қоплайди, бошқаларнинг истеъмол ҳуқуқини пойма қилмайди. Тежаган эса ҳаёнига фойда қилади. Хуллас, буёғи бозор иқтисодиёти.

Давоми 4-бетда

ТЕЖАМКОРЛИК маданияти

ИСТЕЪМОЛГА ЯРАША ТЎЛОВ

ИСРОФ ҚИЛМАСАК — НОЛИМАЙМИЗ, НОЛИСАК — ИСРОФ ҚИЛГАН БЎЛАМИЗ

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бегда

Тежамкорликка ундовнинг айна шакли юртимизда йиллар давомида амал қилган — электр энергияси ва газ истеъмолида исрофгарчиликка йўл қўймаслик, ноқонуний фойдаланмаслик, фойдаланилмаган вақтда электр ускуналарни ўчириб юриш, истеъмоил учун тўловларни ўз вақтида тўлаш каби жон куйдириб айтилган даъватлардан кўра анча самарали экани амалиётда яққол кўриняпти. Энди бундай гапларни бирор кимга айтишнинг ҳожати йўқ, тизим аллақачон рақамлаштирилган, барчаси автоматик амалга оширилади.

Ўзгарган ёки ўзгармаган нарх?!

Гап табиий ресурслардан фойдаланишдаги тежамкорлик ҳақида борапти. Бу бир неча оила ёки ҳудуд миқёсидаги масала эмас. Кўпчилик яхши билади, табиий ресурсларни тежаб, оқилона фойдаланиш глобал масалага айланган. Уларнинг захиралари қисқаргани сари жаҳон бозоридagi қиймати ошиб борапти. Энди улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда янгича, замонавий ёндашувлар талаб этилмоқда.

Кейинги йилларда юртимиз бўйлаб барча хонадонларга замонавий электрон ҳисобчиларга ўрнатилгани боиси шунда. Инсон омилисиз ишлайдиган бу қурилмалар аҳоли томонидан табиий газ ва электр энергиясидан ўғринча фойдаланиш, ортиқча исроф каби ҳолатларга чек қўйди. Тизимни тўлиқ рақамлаштириш эса кейинги қадам — электр энергияси ва газ тўловлари учун ижтимоий нормани белгилашга йўл очди. Бу ҳам тўлиқ инсон омилисиз ишлайдиган тизим бўлиб, аввало, тежамкорлик, табиий ресурслардан бемақсад фойдаланмасликка хизмат қилади.

Ижтимоий норма “истеъмолга яраша тўлов” мезонига асослангани учун оданим беҳуда исрофгарчиликдан тийиб туради. Қолаверса, бу ижтимоий адолатни таъминлайди. Масалан, бир ойда минг киловатт электр энергияси сарфлайдиган хонадон 200 киловаттга ишлатадиган 5 та оила истеъмолига тенг электр энергиясидан фойдаланар экан, тўловни ҳам шунга яраша қилиши керак. Яъни уйда барча шароитлари бўлиб, электр ускуналари қўлиги ўша оиланинг электр энергиясидан бошқалардан кўпроқ фойдаланиши, бироқ ҳамма қатори тўлов қилишига асос бўлмайди. Афсуски, йиллар давомида шундай бўлиб келган.

Ўтган йили ижтимоий норма илк бор амалиётга киритилганда электр энергияси тўловлари бир ойда 200 киловаттга 450 сўм, 1000 киловаттга 900 сўм этиб белгиланган. Одамлар бир йил давомида шу асосда тўловларни амалга оширди. Бу даврда ўзимиз фойдаланадиган меъёр ва тежамкорлигини ҳам анча ўрганиб олдик. Агар электр ускуналар кераксиз вақтда ҳам ёқиб қолдирилмаса, чироқлар тежамкор турларига алмаштирилса, фақат қариялар эмас, ҳар биримиз ишламай турган қурилмаларни тоқдан узиб қўйишга одатлансак, ҳеч ким бўлмаган ҳолда ҳаво совиткич, телевизор ишлаб турмаса, аслида, кўпчилигимизнинг электр энергияси истеъмомимиз бир ойда 200 киловаттдан ошмаслиги ойдинлашиб қолди.

Аммо ижтимоий норма қатъий белгилангани нархлар энди ошмайди дегани эмас. Бозордаги ҳар бир махсулот каби табиий газ ва электр энергияси тўловлари ҳам муайян вақтда оширилиш заруратиغا эга. Гап жорий йилнинг 1 май санасидан бошлаб ушбу тўловлар ошгани ҳақида борапти. Шу асосда янги тарифлар белгиланди. Эндиликда электр энергияси учун базавий меъёр бўйича 200 киловатт соатга 600 сўм (бунгача 450 сўм эди), 201 киловаттдан 500 киловатт-соатга 800 сўм, 501-1000 киловатт-соат учун 1000 сўм, табиий газ учун эса оийга 500 куб метргача 1000 сўм (бунгача 650 сўм эди), 501-2500 куб метргача 1800 сўм тўлов амал қилмоқда.

Мутахасссларнинг айтишича, тарифлар ўзгариши билан кечган нарх ошиши тежамкор оилаларга сезилмаслиги ҳам мумкин. Яъни улар учун орадаги фарқ катта бўлмайди. Ҳатто графикдаги ўзгаришлар аҳоли учун энгиллик яратишга қаратилган. Яқинда

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бу борадаги кичик ҳисоб-китобни эълон қилди. Мутахассслар электр энергияси нархи ўзгаргач, бир абонент учун бир ойлик қўшимча харажат неча сўм бўлишини ҳисоблаган. “Агар сиз бир ойда 50 киловатт-соат электр энергияси ёқсангиз, демак, харажатиңиз 7500 сўм ошибди. Бу кунлик 250 сўм қўшимча харажат дегани. Меъёрий база миқдори доирасида электр энергияси ёқадиған абонент эса бир ойда 30 минг сўм, кунига 1000 сўмдан қўшимча сарфлайди. Ойига 500 киловатт-соат электр энергияси истеъмоил қиладиган абонентлар учун тўловда ҳеч нима ўзгармаган. Улар аввалгидек 360 минг тўлашда давом этади”, дейилади маълумотда.

Яна ўша тежамкорликка бориб тақаллпти гап. Табиий газ ва электр энергияси тўлов нархлари ошгани аниқ. Аммо бу нархлар тежамкор оилалар учун нисбатан арзонроққа тушади. Қолаверса, ижтимоий норманинг аҳамияти бу ерда янада яққол кўринади: тарифлар ҳам, тўловлар ҳам истеъмолга яраша бўлади. Бу ҳудди мобил операторларда фойдаланувчилар талабларига мос жорий этилган қатор тарифлар, интернет тўламлари тарифлари ва бошқа шу каби “истеъмолга яраша тўлов” механизмларининг бир қўриниши. Ҳар ким эҳтиёжи ва чўнтагига яраша танлайди ва харажат қилади.

Компенсация қиларга берилади?

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида одамларнинг асосий харажатлари коммунал тўловларга кетиши ҳақида кўп эшитганмиз. Сабаби нарх-наво анча қиммат. Аслида, бу бежиз эмас. Соҳа мутахасссларининг айтишича, табиий газ ва электр энергиясини истеъмоилчиларга етказиб бериш харажатлари ниҳоятда қимматга айланади. Айрим давлатларда тўлов тарифлари шунга яраша белгиланиши боиси шунда.

Юртимизда эса электр энергияси ва табиий газ учун белгиланган тўловлар ҳали ҳам анча арзонлиги айтилади. Ўтган йили



ошади. Демак, давлат ҳали ҳам аҳолига 140 минг сўм субсидия берапти. Йиллар давомида юртимизда электр энергияси нархлари арзон бўлгани ҳақида гапиримиз, аммо шунга яраша тизимда ҳам ислохотлар бўлмаган. 2023 йилгача деярли катта ишлар қилинмаган, маблаг етишмаган. Айнан 2023 йилдаги аномал киш энергетика соҳасидаги асл вазиятимизни кўрсатиб қўйди. Туб ислохотлар самарасини одамларнинг ўзи ҳам қисқа вақтда кўра бошлади.

Ижтимоий норманинг ўзи аввал бошдан аҳоли томонидан сотиб олишда қўлланиладиган имтиёзли тариф экани айтилганди. Яъни энергия муайян меъёргача нисбатан паст (имтиёзли) нархда ва бу меъёрдан юқори истеъмоил учун бозор нархларида сотилади. Ҳозирги тарифлар бўйича 200 киловаттлик меъёр имтиёзли ҳисобланади ва бу аҳолининг барча қатламига амал қилади.

Бунга қўшимча тарзда юртимизда тўлов қобилиятига эга бўлмаган ва ижтимоий

Эҳтиёжманд оилалар қаторига эса, аввало, ижтимоий ҳимоя ягона реестридаги оилалар қиради. Яъни биргалликдаги ойлик даромади тенг тақсимланганда 669 минг сўмдан кам чиққан оилалар ушбу тизимга киритилган. Компенсация тўлаб бериладиган кейинги талабгорлар эса камбағал оилалар реестри рўйхатидагилардир. Шунингдек, иккала реестрга ҳам кирмаган, аммо мол-мулки кам ва ойлик даромади ҳар бир оила аъзосига 1 миллион сўмдан ошмайдиган оилаларга газ ва электр тўлови учун компенсация тўланади.

Ушбу амалиёт шу йилнинг 1 май санасидан қуча кирди. Компенсация олиш учун аризалар 1 июндан “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ва маҳаллалардаги ижтимоий ҳодимлар орқали қабул қилинмоқда. Бугунги кунгача 915 мингдан зиёд оила компенсация олиш учун ариза топширган. Уларнинг 808 мингдан ортиги ижтимоий ҳимоя реестрига киритилган, камбағал деб топилган оилалар бўлса, 106 мингдан зиёди ҳали рўйхатга кирмаган, аммо ёрдамга муҳтож оилалардир. Маълумотларга кўра, 2024-2025 йилги иситиш мавсуми учун умумий кам таъминланган оилаларга 313,6 миллиард сўм ёрдам берилган бўлса, жорий йилда умумий ҳисобда 1 триллион 330 миллиард сўм миқдорда компенсация ажратилиши режалаштирилган.

Электр энергияси узлуксизлиги ўз қўлимизда!

Айни пайтда юртимизда чилла мавсуми авж паллада. Бундай вақтда совитиш техникасидан фойдаланиш қўлами ортгани ҳисобига уйимиздаги электр ҳисоблагич одатдагидан тезроқ айланади! Истаъимизми-йўқми, айрим мавсумларда электр энергиясига талабимиз кескин ошади. Шундай вақтда тежамкорлик ҳақида ўйлаш у ёқда турсин, электр токида озгина узилиш бўлиб, чироқ ўчиб қолса, хунобимиз чиқади.

Аммо шундай шароитда ҳам тежамкорлигининг иложи бор. Муаммонинг ечими — муқобил энергия манбаларида. Авваллари бу борада фақат дунё таъбиридаги гапирардик. Бугун эса Ўзбекистон “яшил” энергетикага фаол ўтиб бормоқда. Саноат корхоналаридан тортиб,

Электр токни газ ёки бошқа ёқилғи манбаларидан олишдан кўра қуёш ёки шамолдан фойдаланиш анча барқарор ва зарарсиз. Бойси, улар қайта тикланиш хусусиятига эга. Жаҳон миқёсида энергетика захиралари тобора камайиб бораётган вақтда бу энг зарур ва ишончли ечимга айланган. Қолаверса, сайёрамиздаги демографик ўсиш бевосита электр энергиясига талабни оширмоқда. Масалан, “Ember” наشري маълумотиға кўра, 2024 йилда глобал электр энергияси истеъмоли 4 фойз ўсиб, илк бор 30 миллиард киловатт-соатдан ошган. Энг юқори истеъмоил Хитой ва АҚШ ҳиссасига тўғри келяпти. Истеъмоил талаби ошишига эса электромобиллар, дата-марказлар ва иссиқлик насослари қабилад тобора қучкорак таъсир кўрсатмоқда. Мазкур тармоклар глобал электр энергияси истеъмоли ўсишининг 17 фойзини таъминлаган. Юртимизда ҳам бундай талаб ўсишда давом этапти. 2030 йилга бориб мамлакатимиз истеъмоилчиларининг электр энергиясига йиллик талаби жорий 74 миллиард киловатт-соатдан 110 миллиард киловатт-соатга ошиши ҳисоб-китоб қилинган.

Энди муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш кўрсаткичини ошириш ҳисобига бу талаб қондириб борилади. Жумладан, Ўзбекистон ўз олдиға 2030 йилга бориб “яшил” энергия ҳажмини 54 фойзга етказишни мақсад қилган. Бу ҳаракатлар оширилган тарифларни муайян маънода юмшатиш баробарида тежамкорлик, энергетика ресурсларидан тўғри ва оқилона фойдаланишга хизмат қилади.

Энергетика вазирлиги маълумотиға кўра, ҳозир 10 та вилоятда умумий қуввати 4067 мегаватт бўлган 11 та қуёш фотозлектр станцияси ҳамда 3 та шамол станцияси бор. Улар томонидан ишлаб чиқарилган электр энергияси эса жорий йил бошидан буюн 4 миллиард киловатт-соатдан ошган. Қизилчи, бир ой олдин бу кўрсаткич 3 миллиард киловатт-соатга етгани қайд этилганди. Бу ўтган вақт мобайнида қуёш ва шамол электр станцияларидан кунига ўртача 34,5 миллиард киловатт-соат электр энергия олинди дегани.

Бу рақамлар аҳолининг қуёш панелларидан фойдаланиш кўрсаткичини ошиб бораётгани ҳисобига ортмоқда. Жорий



аҳоли хонадонларига қуёш панеллари ўрнатилляпти. Бунинг учун имтиёз, субсидиялар ажратилляпти. Мақсад табиий ресурсларни тежаб, муқобил энергия манбалари ҳисобидан мавжуд эҳтиёжни қоплаш, қолаверса, экологик барқарорлигини таъминлашга қаратилган.

Йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, юртимиз бўйича жами 121 минг 168 та объектга умумий қуввати 1417,3 мегаваттга тенг кичик қувватли қуёш панеллари ўрнатилган. Шундан энг кўпи — 173 минг 798 таси аҳоли, 26 минг 831 таси эса тадбиркорлик

субъекти томонидан ўрнатилгани қайд этилмоқда. Ушбу жами панеллар орқали жорий йилнинг беш ойида 489 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилган бўлиб, натижада 148 миллион куб метр табиий газ тежалган, 220 минг тонна зарарли газ атмосфераға чиқишининг олди олинган.

Хонадонига қуёш панеллари ўрнатган юртдошларимизнинг кўпи билан сўхбатлашганимда, деярли ҳаммаси замонавий технологиянинг афзалликлари ҳақида гапирди. Улардан олинадиган ортиқча энергияни давлатга сотиб, даромад қилаётганлар орамизда кўпайган. Ҳеч бўлмаса, ўз эҳтиёжига фойдаланганда ҳам одамлар қуёш панеллари орқали электр энергиясига сарфлайдиган харажани яхшигина тежамоқда. Бу тежамкорлиги билан миллий иқтисодиёт ва табиатга ҳам фойда келтиряпти.

Яъни бутун электр энергияси истеъмоли бевосита экологик барқарорлигининг бир қисмиға айланган. Куни кеча эълон қилинган йиллик статистик шарҳға кўра, дунё энергия тармоғида карбонат ангидрид ташланмалари бўйича янги рекорд ўрнатилиб, кетма-кет тўртинчи йил юқори кўрсаткичга кўтарилди. Бу сайёрамизда электр энергияси истеъмоли ортиб бораётгани билан боғлиқ. Аниқроғи, глобал энергия таъминоти 2006 йилдан бери биринчи марта 2 фойз ўсган. Барча манбалар, хусусан, нефть, газ, қўмир, атом, гидроэнергетика ва қайта тикланадиган энергия манбалари кўпайди. Бу СО2 эмиссиясини тахминан 1 фойз ошишиға олиб келди. Тўғри, бу вақтда шамол ва қуёш энергияси ҳам 16 фойз ўсган, бу энергияға талабининг умумий ўсишидан тўққиз баробар тезроқ. Шунга қарамай, Дубайдаги COP28 иқлим саммитида келишиб олинганидек, дунё 2030 йилга бориб қайта тикланадиган қувватларни уч баравар ошириш мақсадиға эриша олмаётгани таъкидланяпти.

Агар мамлакатлар иқтисодиётида энг кўп электр энергияси истеъмоли ва улардан чиқадиған зарарли газлар айнан саноат корхоналари ҳиссасига тўғри келишини ҳисобга олсак, ушбу тармокларда муқобил энергиядан фойдаланиш, айнинса, долзарблиги кўринади. Қолаверса, бу тармокларнинг ишлаши учун барқарор қувват манбалари зарур. Шу йилнинг 23 июнь куни давлатимиз раҳбари йирик саноат корхоналарини “яшил” энергия билан таъминлаш чора-тадбирлариға оид тақдимот билан танишар экан, энергия исрофини қаймайтириш, айнинса, йирик саноат корхоналариди тежамкор ускуналар ўрнатиш вазифаси қўйилди.

Яъни энергияни нафақат ишлаб чиқариш, балки тежаб ҳам жуда муҳим. Хўш, саноат тармоклариди бу қандай амалға оширилади? Масалан, маълумотларға кўра, сув ҳўжалиғидаги насосларға йилиға 6,5 миллиард киловатт-соат электр сарфланыпти. Шу боис, 12 та йирик насосни модернизация қилиб, ҳар бирига 75-100 мегаваттли қуёш станцияси ҳамда 50 мегаваттли саклаш қурилмаси ўрнатиш вазифаси белгиланди. Натижада насосларнинг электр сарфи йилиға 2 миллиард киловатт-соат камайиб, 4,5 миллиард киловаттга тушади. Нефть-газ корхоналарида ҳам 240 мегаваттли қуёш станцияси ва 300 мегаваттли саклаш қурилмалари ўрнатиб, камда 600 миллион киловатт-соат электр олиш имконияти бор.

Юртимиз бўйлаб саноат корхоналарида қуёш панеллари ўрнатишга киришиб кетилгани боиси шунда. Бунинг учун йирик инвестициялар жалб этиляпти. Биргина Наманган вилояти Давлатбод туманида 2023 йилдан бери қуёш панеллари ўрнатиш ҳажми 1-2 баробар ошган. Тумандаги қозғ ва тўқнама-чилик корхоналари учун аксессуарлар ишлаб чиқаришга иштирослаштирилган заводлардан бирида ўтган йили қуёш панеллари ўрнатилгач, электр энергиясидан фойдаланиш имконияти янада ошди. Узлуксиз ишлаб чиқарилаётган электр токи умумий тармокқа тўланадиган харажатларни кескин қаймайтирди. Асосийси, тадбиркор Шавкатжон Сиддиқов истаган вақтда чироқ ўчиб қолиб, заводда иш тўхтаб қолиши муаммосидан халос бўлди.

Завод томиға ўрнатилган қуёш панеллари соатига ўртача 846 киловатт электр энергияси ишлаб чиқаради. Корхона эҳтиёжидан ортган қисми давлатга сотилляпти. Ҳозирги кунға қадар сотилган 45 минг киловатт-соат электр энергиядан олинган даромад корхонанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашға йўналтирилди.

Умуман, бутун электр энергияси тежамкорлиги борасидаги ҳаракатлар оддий тарғиботдан анча юқори. Янгича ёндашув ва замонавий технологиялар энди бевосита амалиётда қўлланилляпти. Ҳозир уйдаги бирор қурилмани шунчаки ўчириб қўйишдан кўра хонадонда энергиятежамкор ускуналардан фойдаланиш аниқ самарадорлигини кўрсатади. Бунга ўзимиз ҳам мослашиб борапмиз. Энди қандай қилиб электр энергияси ва унга кетадиган харажатларимизни қисқартиришни яхши биламиз. Шунга қараб ҳаракат ҳам қилиямиз.

Болалар медиамаҳсулотларни энг кўп қабул қиладиган сегмент саналади. Модомики шундай экан, ҳар бир ўғил-қизимиз медиа

ижодкорларни қўллаб-қувватлаш бўйича профессионал таъкилот йўқ”, деб алоҳида таъкидлади. Жорий йил 15 майда давлатимиз



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



бозорининг “ичи”, яъни сир-асрорини билиб, англаб ўсиши керак. Қолаверса, бу интеллектуал ахборот асри талаби, замонавийлик шарт. Шунинг учун ЮНЕСКО медиа-тарбияни XXI аср педагогикасининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилган.

Хабардорлик, албатта, керак ва бу ҳатто бугунги кун учун зарур ҳам. Лекин тарқалаётган ахборотларнинг барчаси фойдали эмас ва ҳамма ҳам фақат фойдали контентларни кўрмайпти. Шу боис, фуқаролар, айниқса, болаларни зарарли ахборотлардан асраш, уларга қарши тура оладиган воситаларни топиш ва қўллаш бугунги кундаги асосий вазифаларимиздан бирига айланмоқда. Президентимиз айни шу мақсадда жорий йилнинг май ойида мактаб таълими тизимидаги ислохотлар самарадорлигини янада ошириш бўйича устувор вазифалар муҳофазаси юзасидан видеоселектор йиғилишида болаларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича кўп ишлар йўлга қўйилгани ва бу борада алоҳида қонун қабул қилинганини қайд этди. Жумладан, “Тўғри, бугунги кунда ёшлар маънавияти билан ҳамма шуғулланипти. Лекин зарарли ахборотларга қарши тура оладиган миллий контент яратиш, уларнинг тарғиботи,

раҳбарининг “Болалар учун мўлжалланган миллий контентлар яратиш ва уларни оммалаштиришни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши ана шу масалага ечим топишда муҳим қадам бўлди. Негаки мазкур қарорга мувофиқ, айни пайтда Болалар учун мўлжалланган миллий контентлар яратишни мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолият юритмоқда. Унинг таркиби-га Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институти ҳам киритилгани, ўз навбатида, илмий жамоамиз зиммасига катта масъулият юклайди.

Бундан ташқари, қарор билан Мактабга-ча ва мактаб таълими вазирлиги ҳузурида Болалар контенти ривожлантириш маркази ташкил қилинди. Янги марказ, асосан, болалар тарбияси ва соғлиғига салбий таъсир қиладиган ахборот маконидаги контенти таҳлил қилади, хорижий контентларнинг энг сара ва фойдали намуналарини ўзбек тилига ўтиради, болалар учун зарарли ахборотлар тарқалишининг олдини олади. Болалар ва ота-оналарнинг медиасаводхонлигини оширади, хориждаги ватандош болалар орасида миллий контентларни оммалаштиради, болалар учун фойдали бўлган контентларни тавсия қилувчи ижтимоий тармоқ саҳифалари ва сунъий интеллект тизимларини жорий этади.

“Институтимиз олимлари 1-11-синф ўқувчилари учун “Менинг маънавий ҳамроҳим” руқнида ҳар бир синф ўқувчиларининг реал ҳаётий тажрибаларига мослаб, замонавий мазмунда 11 та қўлланма тайёрлади. Бу қўлланмалар ҳам, ўз навбатида, болалар учун мўлжалланган миллий контент сифатида хизмат қилади.



Қолаверса, болалар учун мўлжалланган миллий контентларни яратишга хорижий мутахассисларни жалб қилади, халқаро таъкилотлар билан биргаликда қўшма лойиҳалар тайёрлаб, уларни амалга оширади. Болаларга миллий маданият, санъат, адабиёт, тарих ва маънавий қадриятлар ҳақида тушунчалар берадиган, уларда экологик маданиятни шакллантирадиган, соғлом турмуш тарзи қўникмасини ривожлантиришга хизмат қиладиган миллий контентлар яратишга оид лойиҳаларни жорий этади. Шунингдек, болаларнинг ўзбек тилида раво сўзлаш ва имловий хатоларсиз ёзиш қўникмасини ривожлантиришга мўлжалланган интерактив дастурлар ишлаб чиқади, маҳаллий ижод-

корларга миллий контент яратиш бўйича буюртма беради, соҳада кадрлар тайёрлашни ташкил қилади.

Қарорга мувофиқ, 2030 йилгача болалар учун мўлжалланган миллий контентлар, жумладан, нашр махсулотлари фойда солигидан озод қилинди, ижтимоий солиқ эса 1 фойз миқдоридан белгиланди, қўшилган қиймат солигини қайтариш тартиби ҳам жорий этилди.

Мамлакат миқёсида бундай кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётгани, албатта, бежиз эмас. Чунки барчамиз реал ҳаётда болаларимизда мафкуравий иммунитетни шакллантиришга ҳаракат қилимиз. Лекин негизда виртуал ҳаётда бундай бўлмаяпти. Бу эса айримларда интернетфобияни пайдо

қилмоқда. Улар “Болаларимизни интернетдан ҳимоя қилишимиз керак. Интернет болаларимизни бузаяпти”, дейди. Аслида эса “Биз ўзимиз интернетдан қандай фойдаланишни ўргатмадик. Болаларимизга ўргатмадик. Уларни қандай назорат қилишни билмаямиз. Шунинг учун биз бераётган пулдан болаларимизга фойда ўрнига зарар етганти”, дейилса тўғри бўлади. Чунки интернетдаги яхши ресурсларни қўйиб, ёмонларидан фойдаланишнинг оқибати шу...

Интернет — умуминсоний трендда ва шундай бўлиб қолади. Интернет — бозор. Уни танқид қилиш бефойда. Ундан кўра болаларимизга бу бозордан нимани, қандай олишни ўргатайлик. Аввал ўзимизни, кейин болаларимизни медиамаданият билан қуроллантирайлик. Ана шунда интернет бизни эмас, биз интернетни ютамиз: кам пул сарфлаб, интернетдан катта фойда олиб яшаймиз.

Британиялик медиапедагог Д.Букингем “Ахборотлашган жамиятда ёшлар медиамаҳсулотларни пассив қабул қилади ва унинг қурбонига айланади. Шу боис, медиапедагогика боланинг ўзини марказга қўяди. Боладаги медиабилим ва таърибага таянади”, дейди. Модомики шундай экан, ёшларга медиамаҳсулотларни танлаш ва улардан фойдаланишни ўргатиш бугунги куннинг асосий шартларидан бирига айланди. Муаммо шундаки, айрим ҳолларда ота-оналар, ҳатто баъзи ўқитувчилар ҳам ўз болаларига медиамаданиятни ўргата олмапти. Устига устак, ахборот технологиялари шу қадар тез ривожланиптики, унга ҳатто ёшларнинг ўзи ҳам етиб ололмапти.

Президентимиз қарорига биноан, Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институтига Болалар контенти ривожлантириш марказига илмий жиҳатдан қўмаклаштириш вазифаси ҳам юклатилди. Бу бежиз эмас. Чунки институтнинг ташкил бўлганига энди бир йил тўлаётган бўлса-да, шу қисқа вақт ичида болалар контенти тўлдириш бўйича муайян ишлар қилинди. Масалан, мактаб ўқувчиларининг китобхонлик маданиятини ривожлантиришга қаратилган, уларни ҳаётий қўникмалар, чет тиллар ва касб-ҳунарга ўргатувчи “чўнтак китобчалар” (pocket books)ни жорий қилиш бўйича инновацион лойиҳа амалга оширилди. Бу, ўз навбатида, ўқувчиларга ҳаётий қўникма, чет тиллар ва касб-ҳунар ўргатишда бундай бўлмаяпти. Бу эса айримларда интернетфобияни пайдо

қилмоқда. Улар “Болаларимизни интернетдан ҳимоя қилишимиз керак. Интернет болаларимизни бузаяпти”, дейди. Аслида эса “Биз ўзимиз интернетдан қандай фойдаланишни ўргатмадик. Болаларимизга ўргатмадик. Уларни қандай назорат қилишни билмаямиз. Шунинг учун биз бераётган пулдан болаларимизга фойда ўрнига зарар етганти”, дейилса тўғри бўлади. Чунки интернетдаги яхши ресурсларни қўйиб, ёмонларидан фойдаланишнинг оқибати шу...

Интернет — умуминсоний трендда ва шундай бўлиб қолади. Интернет — бозор. Уни танқид қилиш бефойда. Ундан кўра болаларимизга бу бозордан нимани, қандай олишни ўргатайлик. Аввал ўзимизни, кейин болаларимизни медиамаданият билан қуроллантирайлик. Ана шунда интернет бизни эмас, биз интернетни ютамиз: кам пул сарфлаб, интернетдан катта фойда олиб яшаймиз.

Британиялик медиапедагог Д.Букингем “Ахборотлашган жамиятда ёшлар медиамаҳсулотларни пассив қабул қилади ва унинг қурбонига айланади. Шу боис, медиапедагогика боланинг ўзини марказга қўяди. Боладаги медиабилим ва таърибага таянади”, дейди. Модомики шундай экан, ёшларга медиамаҳсулотларни танлаш ва улардан фойдаланишни ўргатиш бугунги куннинг асосий шартларидан бирига айланди. Муаммо шундаки, айрим ҳолларда ота-оналар, ҳатто баъзи ўқитувчилар ҳам ўз болаларига медиамаданиятни ўргата олмапти. Устига устак, ахборот технологиялари шу қадар тез ривожланиптики, унга ҳатто ёшларнинг ўзи ҳам етиб ололмапти.

Президентимиз қарорига биноан, Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институтига Болалар контенти ривожлантириш марказига илмий жиҳатдан қўмаклаштириш вазифаси ҳам юклатилди. Бу бежиз эмас. Чунки институтнинг ташкил бўлганига энди бир йил тўлаётган бўлса-да, шу қисқа вақт ичида болалар контенти тўлдириш бўйича муайян ишлар қилинди. Масалан, мактаб ўқувчиларининг китобхонлик маданиятини ривожлантиришга қаратилган, уларни ҳаётий қўникмалар, чет тиллар ва касб-ҳунарга ўргатувчи “чўнтак китобчалар” (pocket books)ни жорий қилиш бўйича инновацион лойиҳа амалга оширилди. Бу, ўз навбатида, ўқувчиларга ҳаётий қўникма, чет тиллар ва касб-ҳунар ўргатишда бундай бўлмаяпти. Бу эса айримларда интернетфобияни пайдо

Биз ҳали маҳалладаги тарбиявий имкониятлардан тўлиқ фойдалана олганимиз йўқ. Лекин бу борада ишлар бошлаб юборилган. Айни шу мақсадда “Маҳалла педагогикаси” руқнида аҳоли, айниқса, ёшлар орасида виждонан меҳнат қилиш, тадбиркорлик, касбий-маънавий қўникмаларни ўргатиш, инновацион тафаккур, ташаббускорлик, фидойилик фазилатларини тарбиялашда маҳаллаларнинг ижтимоий-тарбиявий имкониятларини тарғиб қилишга қаратилган дастурлар ишлаб чиқишга киришилди. Бу дастурлар, ўз навбатида, болалар учун мўлжалланган миллий контентлар яратишга асос бўлади.

Мамлакатимиз миқёсидаги бундай кенг қўламли чора-тадбирлар замирида ягона мақсад муассасам: янги Ўзбекистонни бунёд этадиган, Учинчи Ренессанс пойдеворига асос соладиган ёшларни, келажагимиз қадрли бўлган баркамол авлодни воёга етказиш ва тарбиялашдан иборат.

Мулоҳаза

“ДОЛЗАРБ 90 КУН”НИ АНГЛАШ

Бугунги глобаллашган дунёда кузатилаётган геосиёсий урушлар, ғоявий, мафкуравий, иқтисодий, ахборот хуружлари, кибер хавфлар ҳар қачонгидан хушёр бўлишни талаб этади. Буни англаган давлатлар эса узоқни ўйлаган стратегик режалар, мақсад ташаббусларни ҳаракатга келтириш чораларини кўради. Шу маънода, мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, ҳар бир фуқаронинг тинч ва осуда ҳаёт кечиришини таъминлашга ўта муҳим вазифа сифатида ёндашилиб, бу борада изчил ислохотлар амалга оширилаётгани бежиз эмас. Айниқса, ёшларимизга янги Ўзбекистоннинг бунёдкорлари сифатида кенг шароит ва имконият яратиб берилаётгани диққатга сазовор.

Азизбек АМОНОВ,
Бухоро давлат университети доценти

2019 йил Президентимиз томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида илгари сурилган беш муҳим ташаббуснинг асл моҳиятини дастлаб чуқур англай олмаганимиз бор гап. Кейинчалик республикамиз миқёсида беш муҳим ташаббус йўналишидаги вазифалар мақсадли, тизимли равишда корхона, таъкилот, айниқса, таълим муассасаларида кенг йўлга қўйилиши натижада Ўзбекистон ёшларини ҳар жаб-

ҳада қайта кашф қилдик. Навқирон авлод вакиллари орасида соғлом турмуш тарзи оммавий ҳаракатга айланди, миллий меросимиз кенг жамоатчилик орасида қайтадан жадал оммалашди, ёшлар рақамли технологияларни, чет тилларни чуқур ўргана бошлади, спорт соҳасидаги ютуқлар мислсиз даражада ошди.

34 йиллик орзу рўёби, яъни футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоасининг Жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритиши ҳам айнан Президентимиз илгари сурган беш муҳим ташаббуснинг 2-йўналиши — спортга бўлган эътибор туфайли юзга чиқди.



“

Янги Ўзбекистон ёшлар мамлаката экани эътироф этилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг Ёшлар куни муносабати билан ташкил этилган тантанали маросимдаги нутқида “Биринчи ва Иккинчи Ренессансни буюк аллома ва мутафаккирларимиз яратган бўлса, бугун тарих наватбини сизларга бермоқда. Ишончим комил, сизлар барча соҳаларда мамлакатимиз байроғини баланд кўтаришга қодирсиз. Сизлар — Янги Ўзбекистон бунёдкорлари сифатида янги тарих яратадиган олтин авлодсиз”, дея билдирган юксак ишончи юртнинг бугуни ва келажақдаги тақдири айнан ёшлар қўлида эканидан далолат беради.

бузарликларнинг ярми айнан ўқувчи, талабаларнинг ёзи таътил вақтига тўғри келар экан.

Минг афсуски, ёшларнинг таътил даври, яъни июнь, июль, август ойларидаги бўш вақтини мақсадли сарфлашга қаратилган аниқ, манзилли ишлар бўлмагани учун ўтган йилларда кўплаб муаммолар юзга келди. Ачинарли томони шундаки, ҳар бир ҳудуд маҳаллаларида замонавий шароитларга эга йирик бино ва иншоотлар ҳам

бўш турарди. Ваҳоланки, ёшлар таълим-тарбиясини кечиктирмаслик, бир сония қаровсиз қолдирмаслик даркор. “Ёшларнинг бўш вақти — душманнинг иш вақти” деган оғохлантирувчи гаплар бежиз айтилмайди. Бу ҳар бир ёшни турли ёт ғоялар тўғрисида тўғри ёки ижтимоий тармоқлар орқали таҳдид солаётган бугунги таҳликали замонада масъулиятни ошириб, уйғоқликка қақиради. Ёшлар тарбиясини қаровсиз қолдирмасликка ундайди.

Бунда асосий вазифа нимадан иборат?

Президентимиз томонидан илгари сурилган “Долзарб 90 кун” ташаббусида аҳоли, айниқса, ўқувчи талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш назарда тутилган. Шунинг учун таълим муассасалари, айниқса, олий таълим ташкилотларининг очик ва ёпиқ спорт иншоотлари, ўқув, маданият бинолари ёшлар — мактаб, лицей, техникум ўқувчилари маънавий юксалиши ва бўш вақтини мазмунли ўтказиш объектлари қилиб белгиланди. Ёшлар ўқувчилар ёзда олийгоҳлар базасидаги клублар, тўғрақларда ўз билими, иқтидорини янада ривожлантириш, юксалтириш имконига эга бўлди. Шу билан бирга, бу тадбирлар олийгоҳларга ўқишга кириш хоҳиш-истагини оширишга хизмат қилади. Бугун қайси олийгоҳ ҳудудига борсангиз, мактаб, лицей ўқувчиларини кўрасиз. Шунингдек, илгари кузатилмаган ҳолат, яъни республиканинг бошқа ҳудудда тахсил олаётган талабани доимий яшаш манзилдаги олийгоҳлардаги спорт мажмуаларида, аудиторияларида ташкил этилаётган илм-фанга оид тўғрақларда ҳам учратишингиз мумкин. Аслида, илгари сурилган масаланинг асл моҳияти ҳам ёшлар бўш вақтини смартфонлар, интернет тармоғидаги салбий “тарбия”га қалғимасдан шахсий юксалишига, билим ва қўникмаларини оширишга хизмат қилувчи фойдали ишлар билан банд бўлишига қаратилган.

“Долзарб 90 кун”да мактаб, лицей, техникум ва олийгоҳ талабалари бўш вақтини самарали ташкил этиш учун тегishли ташкилотлар билан ҳамкорликда кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда.

Янги Ўзбекистон ёшлар мамлаката экани эътироф этилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг Ёшлар куни муносабати билан ташкил этилган тантанали маросимдаги нутқида “Биринчи ва Иккинчи Ренессансни буюк аллома ва мутафаккирларимиз яратган бўлса, бугун тарих наватбини сизларга бермоқда. Ишончим комил, сизлар барча соҳаларда мамлакатимиз байроғини баланд кўтаришга қодирсиз. Сизлар — Янги Ўзбекистон бунёдкорлари сифатида янги тарих яратадиган олтин авлодсиз”, дея билдирган юксак ишончи юртнинг бугуни ва келажақдаги тақдири айнан ёшлар қўлида эканидан далолат беради. Бундай улкан ишонч барчага бирдек масъулият юклайди.

Хар бир манзил-маконнинг ўз тарихи, мозийдан дарак берувчи қимматли моддий ва маънавий жиҳати бор. Қадим тарихга эга Навоий замини ҳам тарихшунослар тадқиқ этган ва хали сирлигича ётган қадамжоларга бой.

2023 йил 10-25 сентябрь кунлари Ар-Риёд шаҳрида бўлиб ўтган Жаҳон мероси қўмитасининг 45-сессиясида Буюк ипак йўлининг Зарафшон — Қорақум коридорида жойлашган 31 та маданий мерос объекти ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган эди. Улар орасида Навоий вилоятининг Кармана туманидаги Қосим шайх мажмуаси, Мирсаид Баҳром макбараси, қарвонсарой, сардоба ҳамда Мавлоно Ориф Дегтароний масжиди маданий мерос объектлари ҳам бор.

Навоий вилоятига қадами етган киши Буюк ипак йўли ўтган қадим Карманада жойлашган кўҳна меъморий ёдгорликлардан бири — Қосим шайх мажмуасини албатта зиёрат қилади. Ушбу мажмуа 500 йиллик тарихга эга бўлиб, тумандаги Хўжа Хисрав маҳалласи ҳудудида жойлашган.

Иншоот яссавия тариқатининг шу ерлик етакчиси, шайх Худойдод валиининг шоғирди, Марказий Осиёда ном қозонган диний-сиёсий арбоб Қосим шайх Азизон Кармина-гий номи билан боғлиқ.

1558 йилда Қосим шайх учун хонақоҳ сифатида бунёд этилган мажмуа мустақиллик йилларида таъмирланиб, асл шакл-шамойили ва гўзаллигига эга бўлди. Бу ёдгорлик хонақоҳ, хилхона, масжид, айвон ва бошқа кўшимча хоналардан иборат. Хонақоҳ чордоғи тарҳли ва қўш гумбазлидир. Ички гумбаз ости ироқи муқарнаслар билан тўлдирилган. Тарҳининг уч томони пештоқли, жанубий пештоқ ҳашаматлидиги билан ажралиб туради ва теварати ўтган асрнинг бошларида девор билан ўралган. Қўшимча бинолар, яъни зиёратхона, масжид ва айвон қурилган.

қабртош мавжуд. Қабр устига эса қимматба-ҳо газлама ёпилган. Бинонинг ички девори гумбазни кўтариб турувчи саккиз қиррали аркалардан иборат. Аркаларда ёғочдан ўйиб ишланган нақшлар сақланиб қолган.

Мақбара бир неча бор таъмирланиб, ҳозир дастлабки кўринишини йўқотган. Таъмирлаш

мол-дунёсидан қўп хайр-эхсон бериб, халқ орасида обрў-эътибор қозонган. У фикр ва тарих илмини пухта эгаллаган.

— XI асрда Кармана қадимий Буюк ипак йўлидаги энг гуллаб-яшнаган, ривожланган шаҳарлардан бўлган, — дейди тарихчи Рамазон Эгамов. — Мирсаид Бах-

ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий ме-роси рўйхатига киритилган тарихий ёдгор-ликлардан яна бири Кармана тумани Ҳазора қишлоғидаги Мавлоно Ориф Дегтароний ме-масжидидир. Илмий хулосаларга кўра, ушбу мажмуа Марказий Осиёдаги энг қадим-ий масжид бўлиб, XI асрда бунёд этилган.

Масжид Дегтарон қишлоғи ҳудудида бўл-гани учун шу ном билан аталган. “Дегтарон” сўзи “қозон ясовчи” маъносини билдиради. Бунга сабаб қишлоқда қозон ясовчи хўнар-мандлар истиқомат қилган. 1910 йили Бухо-ро амири Абдулаҳқон масжиднинг олди ва бир ёнига айвон қурдирган. Бу айвонлар 1980-йилларгача мавжуд бўлган.

Ушбу маскан XI-XII асрларда қорахоний-лар сулоласидан бўлган туркий ҳукмдор-ларнинг чўлдаги мустаҳкам қароргоҳи ва-зифасини ўтаган. XIII асрдан бошлаб XVIII аср бошларида қадар Работи Малик савдо қарвонлари учун қарвонсарой вазифасини ўтаган. Қароргоҳда яшаш хонаси, ошхона, ҳаммом, масжид ва отхоналар мавжуд бўлган.

Бугун қарвонсаройларнинг сақланиб қол-ган харобаси ва кириш пештоқинигина кў-риш мумкин. Қарвонсарой биринчи марта XIX асрнинг ўрталарида тилга олина бошла-ди. Унинг ташқи кўриниши саёҳатчиларнинг суратларига асосан, шунингдек, ўтган аср археологик қазишмалари натижаларига кўра, табиатшунос А.Леманнинг ёдгорлик эскизи асосида қайта тикланган. Бу тарихий ёдгор-лик Самарқанд ва Бухорони боғловчи йўлда, яъни туризм ҳалқасида жойлашгани сабабли сайёҳларнинг қадами узилмайди.

Работи Малик қарвонсаройи яқинида диа-метри 13 метр келадиган гумбаз остида сув таъминотига хизмат қилган сардоба ҳовузи жойлашган. Олимларнинг таъбири билан айт-ганда, “ер ости кўза”сининг айлана девори ер-дан 12 метр чуқурликка қадар пишиқ гиштдан қурилган. Унда муздай тоза сув бутун ёз бўйи сақланган. Сардоба қарвонсаройи каби ёлғиз йўловчилар учун ҳам, бугун бошли қарвонлар учун ҳам қўналга вазифасини ўтаган.

Бу иншоот сув танқис ерлардаги мах-сус ҳовуз бўлиб, гумбаз шаклида қурилган. Пишган гишт ва гил тупроқдан ишланган сардобага кириш учун эшик ҳам ўрнатилган. Қадимда сардобадан сув ичиш учун барча йў-ловчи ва қарвонлар тўхтаб ўтган. ЮНЕСКО-нинг Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган мазкур ёдгорлик ҳамisha сайёҳ-лар билан гавжум.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Янгича ёндашувлар

Бугун ҳар жабҳада креатив фикрлаш, ишга янгича ёндашиш давр талабига айланди. Ҳатто қўл меҳнати билан азиз бўлган хўнарамандларимиз ҳам бу борада анча илғорлаб кетди. Тан олиб айтадиган бўлсак, бунинг учун имтиёзу имкониятлар етарли. Қайси соҳада бўлмасин, янгилчи яратаётганлар албатта қўллаб-қувватланипти, бошқаларга ибрат бўлаётир.

Республика Хўнараманд уюшмаси қоши-да ташкил этилган Стартап лойиҳалар ва инкубация маркази ҳам янгича ишлаш ис-тагидигиларга амалий кўмак беришдек эзгу ниятда фойдаланишга топиширилди. Марказ ёш хўнарамандлар, дизайнер ва технологлар учун янги имкониятлар эшигини очиниш кўзда тутилган. Бу ерда дизайн, маркетинг, рақамли технологиялар, экологияга асо-ланган ишлаб чиқариш, стартап лойиҳаларини амалга ошириш ва бозорга йўналтириш бўйича фаолият юритиш мумкин. “Хўнарам-анд” уюшмаси раиси Расулжон Мирзааҳ-медовнинг “Бу марказ илҳом, таълим, ҳам-корлик ва иқтисодий ўсиш нуқтасидир. Биз хўнарамандчиликни фақат анъана сифатида эмас, балки замонавий бизнес модели сифа-тида қайта кўриб чиқмоқдамиз”, деган гап-лари кўплаб хўнарамандларни руҳлантирди, десак ҳато бўлмайди. Чунки марказ очилган кун улар уюшма билан ҳам бўлди. Шу кун “Хўнарамандчилик соҳасида стартап лойиҳалар” танлови ғолиблири ҳам тақдир-ланди. Хўнарамандлар томонидан яратилган

инновацион лойиҳалар қайта ишлаш, zero- waste маҳсулотлар, рақамли маркетинглар каби йўналишларда тақдим этилди. Айтиш жоизки, танловга келиб тушган 82 та ариза-хўнарадан белгиланган мезон талабларига жавоб берган 46 таси саралаб олиб ўрганил-ди ва баҳолаш учун экспертларга тақдим этилди. Сўнгги босқичда аниқланган 3 на-фар ғолиб лойиҳаларида чинакамга кре-ативлик акс этганига ғувоҳ бўлдик.

Сифатли маҳсулот нархи 70 фоизга арзон

Масалан, фарғоналик Нарғиза Шерхў-жаева чиқинди пилладан тола яратиш, но-одатий маҳсулотлар ишлаб чиқаришти. Шу ўринда чиқинди пилла деганда нима назар-да тутилиди, деган савол туғилиши табиий. Толаси ажраладиган пилла тоза, биринчи навли ҳисобланади ва ундан асл тола оли-ниб, ипакка айлантирилади. Тولاга аж-ралмайдиган пилла эса паст сифатли, яъни

ҚўЛ МЕҲНАТИ ЗАМОНАВИЙ БИЗНЕС МОДЕЛИГА АЙЛАНМОҚДАМИ?

чиқинди ҳисобланади. Ўзимизда ундан фой-даланилмайди. Бу турдаги пиллалар одатда хитойликларга сотиб келинади. Нарғиза опа эса ана шундай пиллаларни қайта ишлаш натижасида ипак тола, толадан эса ип оляпти. Ипларни бўйишда ҳам табиий бўёқлардан фойдаланилгани маҳсулотнинг чинакамга экологик тозаллигини кўрсатади. Хўнараманд чиқинди пилладан олинган иплардан илк бор атласхўша гилам тўқиди. Гилам матосидан аёллар жакети, сумкалари, оёқ кийимларини тайёрлади. Аслида, чиқиндидан ип олишнинг ўзи билан танлов шартли бажарилганди.

Органик хомашёни кашф қилишдан таш-қари ундан бир нечта маҳсулот яратиш эса чинакамга муваффақият. Бир сўз билан айтганда, дунё бўйича чиқиндисиз ишлаб чиқаришга ҳаракат қилинаётган бир пайт-да Нарғиза Шерхўжаеванинг чиқиндидан чиқиндисиз маҳсулот олаётгани эътирофга лойиқ. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, асо-сий хомашёсиз ип бўлган хўнарамандлар бо-зордан унинг бир килосини 100 доллардан сотиб олади. Ташаббускор хўнарамандимиз тайёрлаётган иплар эса 70 фоиз арзон нарх-да, яъни 35 доллардан сотилапти. Асло ар-зоннинг шўрваси татимас деган ҳаёлга бора-кўрманг. Ипларнинг сифатини, айниқса, бўёқларнинг табиий эканини улардан фой-даланаётган хўнарамандлар аъло баҳолаётга-ни рост.

Керамика тақинчоқларга ҳам кириб келди

“Бухоро анъанавий сирланган сопол хуш-тақлар (сувенир), замонавий ва қадимий усул ҳамоханлигида кумуш ва тилла билан



қопланган заргарлик тақинчоқлари” лойи-ҳаси бухоролик Дилноза Каримовага омад олиб келди. У айниқса керамикани аёллар безағида қўллаётгани билан Бадийи кенгаш эътиборини тортиди. Айни янгилчи орқали хўнараманд машхўр Абдулвоҳид Бухорий ке-рамикаси намоянада сизга айланди. Мақсади — Бухоро қўлолчилик мактабини тиклаш. 2007 йилдан буён аёллар майда пластика ишлари билан шуғулланаётган қаҳрамонимиз тур-муш ўртоғи ҳамроҳлигида ўз ҳовлисида ижод қилади. Маҳсулотларини тамома маҳаллий бўлган лой, ишқорий сир каби хомашёлардан тайёрлайди. Қисқа қилиб айтганда, Дилноза опа хўнарамандчилигининг унутилиб бо-раётган кичик, бироқ аҳамиятли бўлагини қадрлаб келяпти.

экологик тоза маҳсулот. Шунинг учун чет элликларга ҳам қизиқ бўлади деб ўйлай-ман, — дейди Зухра опа ҳаяжон аралаш-Опа ишлаб чиқараётган пойабзаллар 15-20 йил хизмат қилиши билан таҳсинга сазо-вор. Қорақўлдан тайёрланган маҳсулотлар-ни кийганлар бунга табиий қабул қилади. Аммо битта оёқ кийими шунча йил чидаб беришига кўпчиликнинг ишониши қийин. Айни пайтда қорақўл қирқимидан Зухра опа тайёрлаётган яна бир маҳсулотнинг асслигини ҳар қандай харидор бир қараишда

билиши мумкин. Қаҳрамонимиз чиқинди (қорақўл қирқими) билан ярқисиз ҳолдаги, ташлаб юбориладиган мебелларга ҳам қай-та ҳаёт бағишлаяпти. Айниқса, ўриндиги ва суянчигага қорақўл қопланган стулларга бир ўтириб кўрсангиз борми, туриб кетгин-гиз келмайди.

Илгари қорақўлнинг фақат асосий қис-мигина ишлатилган. Стартап лойиҳа эса унинг қолдиқларини ҳам исроф қилмаслик-ни таъминлайди. Энг муҳими, экологик ён-дашув ва инновацион дизайнини ўйғунлаш-тиради.

Қорақўл хўнарамандчилиги билан шуғул-ланувчи оиланинг учинчи авлоди Зухра Хў-жаниёзова ўз меросини сақлаб қолиш биро-бариди унга замонавий руҳ ва янгилик олиб киришга ҳаракат қилипти. Шунинг учун у халқаро даражадаги спикер ва халқаро кўр-газмаларнинг мунтазам иштирокчисига айла-ниб, ўз саъياتини жаҳон аудиториясига ҳам муваффақиятли тақдим этиб келмоқда. Ва-ҳоланки, мазкур йўналиш ҳали Ўзбекистон бозорида кенг ривожланмаган бўлиб, миллий хўнарамандчилигимизда янги саҳифа очмоқ-да. Лойиҳа маданий меросни асраш ва кре-атив иқтисодиётнинг ривожланишига ҳисса қўшади.

Яратувчанлик салоҳияти билан ақлни шошираётган инсонлар сафи кундан кунга ортиб борапти. Дунёнинг кўплаб нуқталари нотинчликдан қалқиб турган бир пайтда бундай кишилар одамларда эртанги кунга умид уйғотиб, интилувчанлик ҳиссини оши-раётгани қувворари. Уларнинг ўзаро тажриба алмашиб, бир-биридан куч олиши учун ҳам Стартап лойиҳалар ва инкубация марказлари керак бўлади. “Шу шартимкан, қандай эҳ-тиёж бор бунга?” дейишдан аввал сал ўйлаб кўрайлик. Яхши ният қилсак, бундай майдон-ларда янгидан янги, бетакрор ғоялар етилиб мева бериши, дунё бозорларига чиқади. Бу эса ўз-ўзидан хориждан келатган сайёҳлар-ни креатив маҳсулотлар билан қизиқтиришга хизмат қилади.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz; (71) 233-47-05

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида сақлаланди. Газетанинг полиграфия қўшмадани сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. **Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-746. 34972 нусхада босилди. **Ҳажми** — 3 табоқ. **Офсет услуби босилган. Қўғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов Мусаххў: Насиба Абдуллаева Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 21:40 Топшириқ — 23:25